

ОДИЛ ПОДШОҲ ОРЗУСИ – ИККИ БУЮК СЎЗ САНЪАТКОРИ ТАЛҚИНИДА

Норбиби Чорихўжаевна РЎЗИМУРОДОВА

мустақил изланувчи
Термиз давлат университети
Термиз, Ўзбекистон
ro'zimurodova n @.uz

Аннотация

Ушбу мақолада Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижодиётидаги Искандар образининг бадиий талқини қиёсий тадқиқ этилган. Шоирларнинг поэтик маҳорати, ўзига хос услуби мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

Таянч сўзлар: образ, халқ оғзаки ижоди, адабий таъсир, ижтимоий муаммолар, бадиий-эстетик идеал, ғоявий ният, эпик баён усули.

МЕЧТА О СПРАВЕДЛИВОМ ПАДИШАХЕ – В ИНТЕРПРЕТАЦИИ ДВУХ ВЕЛИКИХ МАСТЕРОВ СЛОВА

Норбиби Чорихўжаевна РУЗИМУРОДОВА

независимый исследователь
Термезский государственный университет
Термез, Узбекистан
ro'zimurodova n @.uz

Аннотация

В настоящей статье приводится сравнительный анализ художественной интерпретации образа Искандера в творчестве Низами Ганжави и Алишера Навои. На конкретных примерах рассматривается поэтическое мастерство поэтов, их своеобразный стиль в раскрытии образа.

Ключевые слова: образ, устное народное творчество, литературное влияние, социальные проблемы, художественно-эстетический идеал, идейный замысел, стиль эпического изложения.

Жаҳон адабиётининг буюк сиймолари бўлган Низомий Ганжавий ва Алишер Навоийнинг ўзаро бир-бирига ўхшаш ва алоқадорлик томонлари кўп. Уларнинг ўзаро фикрлаши, дунёқарашини, шу билан бирга орзу-истаклари ҳам муштарак. Буюк шоирларнинг ҳамфикрлигини “Хамса” бирлаштириб турган бўлса, келажак ҳақидаги орзу-истаклари уларни янада яқинлаштирган.

Буни “Хамса” достонидаги Искандар образида, шоирларнинг бетакрор орзу-истаклари тимсолида кузатишимиз мумкин.

Искандар тарихий шахс бўлиб, Александр Македонский номи билан бутун дунёда шуҳрат топган юнон подшоҳидир. У ўзининг қисқа, аммо

шиддатли ҳаёти давомида ер юзининг салкам ярмини забт этиб, бирлашган давлат барпо этиб, уни одилона бошқарган жаҳонгир эди.

У жуда қисқа умр кўрган, яъни ўттиз уч йил яшаган бўлса-да, бу қудратли фотиҳ образи доимо кишилик жамиятининг диққат марказида бўлиб келган. Давр ўтиши, замонлар алмашинуви натижасида дунёни ларзага солган Александр образи Искандар номи билан Шарқ халқлари забардаст ижодкорларининг асосий илҳом манбаига айланди.

Буюк адибларнинг орзуси одил, адолатпарвар ва қудратли подшоҳнинг дунёга келиши ҳамда унинг халқ дарди билан яшаши эди.

Халқ орзусидаги подшоҳ Искандар образини яратиш буюк мутафаккирларга орзу бўлиб қолди.

Шарқ адабиётида Искандар образини илк бор талқин этган буюк озар мутафаккири Абумуҳаммад Ильёс ибн Юсуф ибн Муайяд Низомий Ганжавий [1141-1209] бўлади. Унинг “Искандарнома” [1197-1207] достони ўзидан кейинги Искандар ҳақидаги асарларнинг, яъни Хусрав Дехлавийнинг “Оинайи Искандар” [1299-1300], Жомийнинг “Хирадномайи Искандарий” [1484] ва Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” [1484] каби шох асарларининг яратилиши учун асосий замин бўлди.

Низомий Ганжавийнинг “Искандарнома” достони икки қисмдан иборат бўлиб, “Шарафнома”, “Иқболнома” номлари билан аталган.

Низомий Ганжавий “Искандарнома” достонида ижтимоий-фалсафий мавзуларни, тарихий-ирфоний тамойилларни илгари сурди.

Искандар образини шоир халқнинг дард-у ҳасрати билан ҳамнафас шох сифатида тасвирлайди. унинг яхши тарбия топгани, ўз замонасининг энг етук олимларидан сабоқ олгани эътироф этилган.

Искандарнинг отаси Фойлпақ ус (Филипп) машҳур донишманд Нақумоҳус, яъни Арасту (Аристотел)га шогирдликка беради. Шоҳ ўғлини ҳаёт ва ҳикмат дарсларини яхшилаб ўрганиш учун ўқитишга қарор қилади.

Низомий Ганжавийнинг фикрича, Искандар улкан билим эгаси бўлганлиги учун ҳам дунёни эгаллаган. Сабаби, дунёда ҳукмронлик қилиш

учун кучли билим ва бетакрор тажриба зарурлигини эътироф этган. Ҳақиқий подшоҳ қурол-яроғ билан эмас, илму ҳунар билан давлатни бошқаришини қуйидаги байт мисолида ҳам кўриш мумкин:

Илм билан иш бажаришни ўргансанг,
Тиғу ганж ишидан аълодир билсанг [3;160].

Бетакрор сўз устаси Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидаги қуйидаги байт ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир. Яъни Навоий фикрича, Искандар давлатни тиғ билан эмас, килк (араб тилидан олинган бўлиб “қалам” хома демақдир) билан бошқарди.

Қўлига олиб найза ўрнида килк,
Сўз иқлимини сарба-сар қилди милк [5;24].

Искандар ҳақида асар ёзишдан аввал бу икки сўз сеҳргарлари Искандарнинг Шарқ халқлари адабиётидаги образи билан яқиндан танишадилар. Тарихий манбаларни чуқур ўрганадилар, асарлардаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этадилар.

Улар халқ оғзаки ижодидан ҳам унумли фойдаланганлар, айниқса, Алишер Навоий ижодиётида Искандарни бутунлай янги талқинда кўришимиз мумкин. У Искандар образини “Либоси мавзун” – (сўзнинг янги кийимлари)да талқин қилди.

Навоий достонида Искандар образини нафақат билимли, балки ўз замонасининг барча ҳунарларини ўрганган ҳунарманд сифатида ҳам кўрсатди:

*Бори анда бир ерга етди иши,
Ки, мумкин эмас андоқ ўлмоқ киши.
Билик касбини қилди то жони бор,
Ҳунар ўрганди анчаким имкони бор[5;32].*

Низомий Ганжавий “Искандарнома” достонида Искандар образини хаёлот оламида мукамал яратди. У ўз даврида шундай подшоҳ ҳукмронлигини орзу қилди. Агар подшоҳ одил бўлса халқ тинч-осойишта,

аҳил-тотув яшашига, фарзандларимиз беҳавф-у хатар ҳаёт кечиришига ишонди.

Искандар, ки дунё мулкани олди,
Шоҳ – гадо барчасе тенг ҳуқуқ солди.
Дунёни тинч-тотувликка бошқарди,
Фарзандлар мурод-мақсадига еткарди [3;30].

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонини ўқигандан сўнг бир умумий фикр пайдо бўлади. Унинг Искандар образини яратишдан иккита мақсади бўлган.

Биринчидан, дўсти, эмакдоши ва энг яқин инсони бўлган Султон Ҳусайн (Ҳусайн Бойқаро) подшоҳлигини Искандар образи орқали ифодалаган. Сабаби, ўша даврда ижтимоий-сиёсий вазият қалтис, бир пайтда мамлакатни бирлаштириб, бутун халқни адолатли бошқарадиган Искандардек қудратли подшоҳ керак эди.

“Садди Искандарий” достони орқали дўсти Султон Ҳусайнга қай тарзда давлатни бошқарса, ижобий натижаларга эриша олишини баён қилди. Алишер Навоий достонда Искандар доим атрофида беш юзта олиму донишмандларни олиб юришига алоҳида эътибор қаратади. Боиси, Искандар ҳар бир қилаётган ишини олимлар билан маслаҳатлашиб, машварат билан бажарар эди. Шунинг баробарида Султон Ҳусайнга ҳам доимо олим ва фозиллар билан маслаҳатлашиб иш олиб боришни тавсия беради.

Искандар ютуқлари сифатида донолар берган маслаҳатлар бесамар кетмаслигини мисоллар билан исботлайди. Султон Ҳусайнни одил подшоҳ бўлишига сабабчи бўлади.

Иккинчидан, шаҳзода Бадиуззамон ва укаси Дарвешалилар учун бир неча маслаҳатлар бермоқчи бўлади. Сабаби, шаҳзоданинг отаси билан муносабати кескинлашган бўлиб, айтилган вақтда маслаҳатга муҳтож эди. Шу тарафларни инобатга олган Алишер Навоий Искандар образини мураккаб тарзда эмас, оддий халқчил тарзда тасвирлайди. Намуна келтириш учун яхши фазилятларининг тарбиявий тарафларига кўпроқ эътибор қаратади. У

салтанат бошига келган кундан бошлаб, халқ манфаатини ўйлаб, отаси томонидан солинган икки йиллик солиқни бекор қилади, йўлларни кароқчилардан тозалаб, посбонлар қўяди, қадоқ тошларига муҳр бостиради, газлама ўлчайдиган газчўпни темирдан ясаптиради ва бошқа бир қанча халқ манфаати учун хизмат қиладиган ижобий ишларни амалга оширади. У шохнинг яхши фазилатларини кўрсатиш билан бир вақтда халқ манфаатларига зид бўлган юришларини, жаҳондорлик даъволарини қоралайди.

Халқпарвар шоир доимо инсон ва унинг кадрини улуғлаб келади. Отасининг кимлиги аниқ бўлмаган, ташландиқ вайрондан топиб олинган мурғак чақалоқни кадрлаб, эъзозлайди. Унинг тақдирида юрт манфаатини кўради, Искандарни подшоҳ қилиб кўтаради. Навоий фикрича, инсоннинг зоти эмас, инсонийлиги, олган тарбияси муҳим саналади. Шу боис дostonнинг асосий мавзусини инсон тарбияси ва кадр-қиммати деб белгилайди. Инсон – энг улуғ зот. Шунинг учун дунёдаги барча нозу неъматлар унга аталган.

Хар бир инсон ўзига аталган бу нозу-неъматлардан баҳраманд бўлар экан, ўзига берилган қисқагина умрни яхшиликка сарфламоғи, эзгу ишларни амалга оширмоғи лозим. Дунё боқий эмас, ундан қанчадан қанча шохлар ўтиб кетдилар. Улар қанчалик жаҳондорлик касб этдилар. Бойлик ва молу дунёлари беҳисоб бўлиб, вафот этганларидан сўнг бу дунёдан бўш қўл билан кетганлар.

Бутун дунёни забт этган Искандарни ҳам битмас-туғамас хазиналари, кудратли қўшинлари тутиб тура олмади. У билан тун-у кун бирга бўлган дўст-ёрлари жаннатмакон яшил боғларга қолдилар, у эса тухум қўйса, пишадиган жазирама саҳрода вафот этиб, ҳаётдан қуп-қуруқ қўллари билан кетди. Шундай экан, шохлар давлат эгалари, мулкдорлар ўз давлатларига мағрур бўлмай, саховатпешалиқни касб этсалар айни муддао бўларди. Халқ манфаати учун хайрли ишларни амалга оширишлари, қудуқ қазиб, сув

чиқаришлари, турли иншоотлар, карвонсарой ва йўллар куриб, очларни тўйдиришлари лозим.

Буюк шоирнинг ҳаёт фалсафаси ҳам шу эди:

*Панжа хурдиддек илгингни оч,
Анда неким кенам эса – оламга соч.*

Низомий Ганжавийнинг “Искандарнома” достонида ҳам шундай мазмундаги фикрларни учратиш мумкин. У ҳам ўзи севган қахрамонини қанчалик бенуқсон ва халқчил тасвир этмасин, айрим салбий хусусиятлари хусусида тўхталиб ўтади. Инсон қанча юксакликка эришса ҳам, барибир ўзини Оллоҳ бандаси эканлигини унутмаслиги керак дейди. Атрофидаги одамлар билан доимо тенг муносабатда бўлиб, уларнинг дарду ташвишлари билан яшамоғи лозимлигини уқтиради. Ортикча мол-у дунё одамга фойда эмас, балки зарар етказишини, инсоннинг ўзлигини унутишга, халокат сари қадам қўйишга олиб келишини таъкидлайди.

*Молу дунёси кўпни гами кўп бўлур,
Дарвеш кишига бу дунёда гам йўқ эрур [3;11].*

Умуман, бу икки ижодкорнинг асарида бир хил мазмундаги буюк сиймони талқин этиш ҳам халқ манфаатларининг бир белгиси саналган. Халқнинг доимо бундай подшоҳга орзумандлиги шоирлар ижодиётида ўз ифодасини топган.

Низомий Ганжавий Шарқ дostonчилигида биринчи бўлиб мифик-фантастик ва қахрамонлик дostonчиларга хос тасвирдан узоклашиб, реал инсонлар образини ҳаётий буёқлар билан руҳий-психологик кўникмалар орқали тасвирлаган Искандар образини адабиётда беназир тимсол сифатида гавдалантирди, инсонларни яшашга, орзу-умид килишга, ҳаёт дунёси билан яшашга ўргатди. Бир сўз билан айтганда, яхши ният килишга, келажакка ишонч кўзи билан қарашга даъват этди. Буни қуйидаги байт мисолида кўрамыз:

*Оллоҳим ўзингдан ўзга ёрим йўқ
Умиду орзудан бўлак қарорим йўқ*

*Ҳаётим чирогини айладинг нурдор,
Ёвузлардан асрагин , бўлгин мададкор [4;30].*

Низомий Ганжавий жаҳон миқёсида ўзига хос бетақрор ва тенгсиз алломадир. Унинг адабий мероси салкам минг йилдан буён ўчмас машғала бўлиб, илм йўлини ёритиб, келажак авлоднинг таълим-тарбиясида асосий дастуруламал вазифасини бажармоқда. Унинг сўзи қуёш мисоли бутун дунё илм-маърифатига тенг ёруғлик ва нур беришига асло шубҳа йўқ. Бу ҳақда Алишер Навоий XV асрда ифтихор ва ғурур билан қайд этган эди.

*Ганжа қуёшики, кўтаргач алам,
Айлади сўз мамлакатни яққалам.*

Халқ ҳамиша орзу-истаклар билан яшайди. Шундай экан, икки буюк сўз санъаткорларининг халқ орзусини ўз ижоди, талқинида ўта маҳорат билан баён этганлиги боис, унинг таълим-тарбия йўналишида келажакда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаслиги шубҳасиз.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Т. 3. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Восточная литература, 1965. – 365 с.
2. Бертельс Е.Э. Низомий Творческий путь поэта. – Москва: Восточная литература, 1956. – 476 с.
3. Ганжавий, Низомий. Искандарнома. – Душанбе: Ирфон, 1984. – 462 с.
4. Ганжавий, Низомий. Куллиёт. Шарафнома. 4-жилд. – Душанбе: Ирфон, 1984. – 495 с.
5. Навоий, Алишер. Садди Искандарий. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 1991. – 829 б.
6. Фарҳанги забони тожики. Иборат азду жилд. Жилди 2. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. – 949 с.
7. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. (XIV-XV асрнинг бошлари). 2 жилд. – Тошкент: Фан, 2006. – 526 б.